Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 1 декабрь шанба

Сотувда эркин нархда

№ 243 (2805)



## МДҲНИНГ ЮБИЛЕЙ САММИТИ

**Москва. 30 ноябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар БОБОЕВ хабар қилади.**

Россия пойтахтида МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви бўлиб ўтди. Маълумки, декабрь ойида МДҲ ташкил топганига ўн йил тўлади. Президентлар ўтган ана шу вақт мобайнида Ҳамдўстлик доирасида амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилди, МДҲнинг бугунги аҳволи ва келажаги хусусида фикр алмашди.

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов Ҳамдўстлик фаолиятида биринчи галда ўзаро фойдали ҳамкорликни ривожлантириш, иқтисодий интеграция масалаларига эътиборни янада кучайтирмоқ кераклигини, ҳар хил ҳарбий-сиёсий мавзуларга чалғимай, ўзаро манфаатли муносабатларни равнақ топтиришга интилиш мақсадга мувофиқлигини таъкидлади. Зотан, МДҲни тузишдан мақсад ҳам мавжуд иқтисодий ришталарни сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат эди.

Давлат раҳбарлари кенгашининг ялпи мажлисида ўзаро савдодаги чекланишларни бартараф этиш борасидаги ишлар, товарлар ва хизматлар оқимини кўпайтириш ва енгиллатиш учун ахборот-маркетинг марказларини тузиш, таълим, маданият, солиқ, божхона соҳаларида фаолият кўрсатувчи муассасалар, хўжалик судлари ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари муҳокама этилди.

Мажлисда Афғонистондаги вазият ва мазкур мамлакат халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш ҳамда хавфсизликка оид масалалар ҳам кўрилди.

Давлатлар раҳбарлари МДҲ тузилганининг ўн йиллиги муносабати билан ҳамда Афғонистондаги вазиятга доир баёнотларга имзо чекди.

**ЎзА.**

**СУРАТДА: Саммит ишидан лавҳа. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.**

**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида 2002 йилги пахта ҳосили учун истиқболли ғўза навларини танлаш ва уларни жойлаштириш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда мутасадди вазирлик, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, уруғчилик корхоналари мутахассислари ҳамда илғор пахтачилик хўжаликлари раислари қатнашди.**

## ИСТИҚБОЛЛИ ҒЎЗА НАВЛАРИ — САМАРАДОРЛИК ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган мазкур йиғилишда вилоятларда маҳаллий шарт-шароитдан келиб чиққан ҳолда ғўза навларини экиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар атрофлича муҳокама этилди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари С.Бегалиев жойларда бу борада амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Таъкидланганидек, ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги корхоналари ишлаб чиқариш салоҳияти ва уларнинг иқтисодий самарадорлиги, шубҳасиз, етиштирилаётган пахта толасининг сифатига боғлиқ бўлиб қолмоқда. Шу боис келгуси йили экилиши режалаштирилаётган ғўза навларининг барча хусусиятларини ўрганиш, уларнинг эртапишар, серҳосил, касалликларга чидамли ва энг муҳими — толаси сифат жиҳатдан жаҳон бозори талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган турини танлаб экиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Айни вақтда соҳа мутахассислари ғўза навларини жойлаштиришда пахта толасининг сифат кўрсаткичлари, харидоргирлиги ва истеъмолчилар талабини ҳисобга олган ҳолда муайян тавсияларни ишлаб чиқди. Келгуси мавсумда далаларга, асосан, деҳқонларимиз синовидан ўтган, серҳосил ва толаси замонавий технологиялар ёрдамида яхши ишланадиган ғўза навлари экилади.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди.

**ЎзА.**

*Олий Мажлис сессияси олдидан*

## СУҒУРТА БОЗОРИ ШАКЛЛАНМОҚДА

**Олий Мажлиснинг навбатдаги сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуни лойиҳасини (биринчи ўқишда) мукаммаллаштириш кўзда тутилган. Хўш, мазкур қонунни тайёрлаш зарурати қандай юзага келди, у амалдагиларидан нимаси билан фарқ қилади? Биз ушбу саволлар билан Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси Муҳаммаджон УМАРАЛИЕВга мурожаат қилдик.**

— Маълумки айни пайтда суғурта фаолиятига тааллуқли муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси» ҳамда «Суғурта тўғрисида»ги қонунлар билан тартибга солиб келинмоқда. Модомики шундай экан, ўз-ўзидан савол туғилади, хўш унда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги қонуннинг тайёрланишига қандай эҳтиёж туғилди? Бизнингча, бунинг бир неча сабаблари бор. Масалан, «Суғурта тўғрисида»ги амалдаги қонун 1993 йил 6 майда қабул қилинганди. Ўша пайт мустақилликнинг дастлабки йиллари, яъни бозор иқтисодиётига энди қадам қўйилаётган эди. Бу табиийки, ўтиш жараёнида ижобий аҳамият касб этди. Бироқ вақт ўтгач, иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлашиши асносида мавжуд қонунга янги талаблар қўйила бошланди. Ўша қонунда суғурта бозоридаги барча иштирокчиларнинг муносабатлари етарли даражада тартибга солинмаган. Мисол учун, у суғурта бозори субъектлари манфаатлари ҳимоясини етарли даражада таъминлолмайди. Ҳозирги суғурта фаолиятининг бир қатор жиҳатлари амалдаги қонунда ўз ифодасини топмаган. Суғурта ташкилотини ташкил этиш ва уни тугатиш каби масалаларни шулар жумласига киритиш мумкин. Янги қонун лойиҳасини тайёрлашнинг яна бир зарурати суғурта бозори фаолиятининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнидан орқада қолаётганлиги ва амалдаги қонунларнинг халқаро талабларга етарли даражада мос эмаслигидир.

Ушбу қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида мамлакатимиздаги суғурта идораларининг фаолияти, улар фойдаланаётган меъёрий ҳужжатлар, мавжуд қонунларнинг жаҳон андозалари талабларига нақадар мослиги атрофлича таҳлил қилинди. Шунингдек, чет давлатлардаги суғурта фаолиятини тартибга солувчи ҳужжатлар ҳам ўрганилди. Суғурталаш билан боғлиқ фуқаролик, ҳуқуқий муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик кодекси» билан тартибга солинади. Янги қонун лойиҳасида асосан суғурта фаолиятини бошқариш тизимининг ҳуқуқий асослари кўзда тутилган.

**— Қўмитанинг икки сессия оралиғидаги фаолиятидан қониқасизми?**

— Биз ана шу даврда назорат-таҳлил фаолияти билан ҳам изчил шуғулландик. Масалан, «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижросини ўргандик. Бу борада вилоятда муайян ишлар амалга оширилганлиги маълум бўлди. Шу билан бирга қонунларни ижро этишда амалга оширилаётган ишлар билан бирга муайян камчиликлар борлиги ҳам аниқланди. Бу масалага етарли даражада эътибор берилмаётганлиги туфайли рўй бермоқда. Масалан, қонун ижроси билан боғлиқ муаммолар вилоят ҳокимлигида бирон марта ҳам алоҳида муҳокама қилинмаган. Қонунни ижро этиш учун мутасадди раҳбарлар ўртасида семинарлар, ўқув машғулотлари талаб даражасида ташкил этилмаган. Тайинланаётган ташқи бошқарувчилар ва ишончли кадрларни ҳар томонлама ўрганиб, уларнинг орасидан лаёқатлиларини танлаб олишга етарлича эътибор берилмаганлиги сабабли ана шундай камчиликларга йўл қўйилган.

(Давоми 2-бетда).

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Айни кунларда мамлакатимизда Япониянинг "Фукусима-Ўзбекистон" уюшмаси молиявий ишлар бўйича ижрочи директори Т.Сисидо раҳбарлигидаги собиқ япон асирларидан иборат делегация меҳмон бўлиб турибди. Улар мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириб, юртимизда иккинчи жаҳон уруши йилларида дафн этилган ватандошлари қабрларини зиёрат қилди.

Делегация аъзолари Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида ҳам бўлди. "Фукусима-Ўзбекистон" уюшмаси ва кенгаш ўртасида халқаро дўстлик алоқаларини янада мустаҳкамлашга қаратилган шартнома имзоланди.

**Меҳри БОЛЛИЕВА, ЎзА мухбири.**

## ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИГА — КЕНГ ЙЎЛ!

Мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилаётган аграр ислоҳотларнинг чуқурлашувида, шубҳасиз, деҳқон ва фермер хўжаликларининг беқиёс ҳиссаси бор. Айни вақтда республикамизда ана шундай мулкдорлар синфи вакилларидан қарийб 52 минг 300 нафари мустақил фаолият юритмоқда. Улар деҳқончилик қилаётган ер майдони эса 1 миллион 38 минг гектардан ошди. Бу кўрсаткич 1991 йилга нисбатан қарийб 170 борабар кўпдир.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида мамлакатимизда фермер хўжаликлари ташкил этишни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг самарали ривожланиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш масалалари бўйича бўлиб ўтган йиғилишда шу рақамлар алоҳида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков бошқарган мазкур йиғилишда тегишли вазирлик, қўмита, уюшма, идора ва ташкилотлар раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари, ҳудудий агросаноат корхоналари бошлиқлари, фермерлар ҳамда айрим туман ҳокимлари ва ширкат хўжаликлари раислари иштирок этди.

Йиғилишда қишлоқ ва сув хўжалиги вазири ўринбосари А.Жалолов, республика деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси А.Бобомирзаев, Хоразм вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари Ж.Ўтамов, Қумқўрғон туманидаги "Мирзо Улуғбек" фермер хўжалиги раҳбари И.Қоралов, Фарғона вилояти деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раиси С.Қобилов ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Хусусан, қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг кўплаб янги шакллари қарор топаётгани, деҳқонларда ер-сувга эгалик ҳиссининг тобора мустаҳкамланаётгани Президент Ислом Каримовнинг бу борада узоқни кўзлаб юритаётган доно сиёсатининг ёрқин натижасидир.

Айни вақтда фермер хўжаликларининг иқтисодиётимизга қўшаётган ҳиссаси тобора ортмоқда. Масалан, улар жорий йилда давлатга дон сотиш бўйича контрактация шартномаларини 100,4 фоиз бажарди. Давлатга пахта сотиш борасида ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Шунингдек, фермер хўжаликлари пилла, мева, узум, сабзавот, гўшт, сут каби чорва ва деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш бўйича ўз зиммаларига олган мажбуриятларни аъло даражада уддалаб, хорижга ўнлаб минг тонна қишлоқ хўжалиги маҳсулоти экспорт қилди.

Ўтган йили Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан зарар кўриб ишлаётган 52 та хўжалик қайта ташкил этилганди. Уларнинг ўрнида юзага келган фермер хўжаликлари фаолиятида ҳам ижобий натижалар кўзга ташланмоқда. Бу хўжаликлар ўз вақтида йилни 463 миллион сўм зарар билан якунлаган бўлса, мулкчилик шакли ўзгартирилгач, фермерлар бир мавсумдаёқ йилни 421 миллион сўм фойда билан ниҳояламоқда.

Афсуски, республикамиздаги барча фермерлар иш фаолиятини ҳам кўнгилдагидек, деб бўлмайди. Бу борада иш юритаётганлар орасида ҳам фақат ўз манфаатини ўйлаб, мавжуд қонунларимизга зид иш тутаётганлар йўқ эмас. Жумладан, айрим жойларда фермер хўжаликлари раҳбарларининг умумхалқ мулки бўлган ердан мақсадсиз, ўзбошимчалик билан фойдаланиши ҳоллари кўплаб учрамоқда. Масалан, Когон туманидаги "Ғайбулло-98" фермер хўжалиги экин майдонидан унумли фойдаланиш ўрнига уни Бухоро ғишт заводига ижарага бериб қўйган.

Йиғилишда мавжуд муаммолар ва фермерлик ҳаракатининг янада кенг қулоч ёйишига тўсқинлик қилаётган масалалар юзасидан ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилиб, уларни жойларда ҳал этиш чора-тадбирлари белгилаб олинди. Фермерлик фаолияти бўйича тўпланган бой тажриба ва кўникмалардан келиб чиқиб, бу борадаги қонун ва меъёрий ҳужжатларга тегишли ўзгартиришлар киритиш учун зарур таклифлар ишлаб чиқилди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари, қишлоқ ва сув хўжалиги вазири Т.Холтоев иштирок этди.

**ЎзА.**

## ГЎШТ-СУТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЯРМАРКАСИ

**Тошкентда "Ўзгўштсутсаноат" давлат-акционерлик уюшмасининг улгуржи савдо ярмаркаси бўлиб ўтди.**

Ярмаркага ташриф буюрган ҳамюртларимиз тизимдаги иқтисодий ислоҳотлар қандай самара бераётганлигининг бевосита гувоҳи бўлдилар. Кўргазмага қўйилган юзлаб турдаги маҳсулот юқори сифати билан истеъмолчиларга манзур бўлмоқда.

Кўргазмада, айниқса, Самарқанд шаҳридаги "Парвина" хусусий компаниясининг маҳсулотлари кўпчиликнинг эътиборини қозонди.

— Биз ярмаркага кўплаб турдаги музқаймоқ, шоколад, пишлоқ, маргарин сингари маҳсулотларимиз билан қатнашмоқдамиз — дейди "Парвина" компаниясининг Тошкент шаҳридаги дилери Қ.Раимов. — Фаолиятимизни атиги 4 хилдаги музқаймоқ ишлаб чиқаришдан бошлагандик. Бугунги кунда маҳсулотларимизнинг бир қисми қўшни мамлакатларга экспорт ҳам қилиняпти.

**Олим НОРБЕКОВ, ЎзА мухбири.**

## ҚОНУН — адолат мезони

**Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида рўй берган улкан ўзгаришларни ҳар бир фуқаро қалбдан ҳис этмоғи лозим. Олий Мажлиснинг олтинчи сессиясида қабул қилинган «Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунни жойларда кенг тарғиб этиш, ижросини таъминлашга оид тадбирлар кўлами тобора кенгаймоқда.**

**Навоий вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган семинар-кенгаш ҳам либераллаштиришнинг аҳамиятига, уни амалга оширишни таъминлашга бағишланди. Унда республика Прокуратураси, Олий суди, Адлия вазирлиги ходимларининг маърузалари тингланди.**

**Йиғилишда вилоят ҳокими Ғ. Дилов сўзга чиқди.**

**Абдуваҳоб ПИРМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*Ислоҳотни обрўсизлантирманг*

## БИРОВ ҚУРАДИ, БИРОВ...

Шўрчи шаҳрида бундан етти йил аввал «Бунёдкор» ишлаб чиқариш корхонаси ташкил этилган эди. Кейинроқ у жамоа ишлаб чиқариш корхонасига, сўнгра эса масъулияти чекланган жамиятга айлантирилди. Гап фақат номнинг ўзгаришида эмас. Унинг ихтиёрида Туркиянинг «Экмасен» фирмаси ускуналари билан жиҳозланган нон пишириш цехи, бир кунда 20 тонна донни қайта ишлайдиган тегирмон, қўша-қўша транспорт воситалари, енгил автомашиналар, ёрдамчи хўжалик, дўкон ва чойхона бор эди. Бундай қувват билан аслида ҳар қандай маррани забт этиш мумкин. Лекин, афсуски, бугунги кунда «Бунёдкор»нинг эшиклари қулфлоғлик. Теварак-атроф эса сув сепгандай жим-жит. Нега?

Корхонанинг бош ҳисобчиси Бобожон Болтаев беш-олти ой илгари шундай деган эди:

— Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимизнинг ҳажми бир йилнинг ўзида ўн баровар камайди. Қарзларимиз эса ботмон-ботмон. Аҳвол шу тарзда давом этаверса, корхона банкротлик гирдобига тушиб қолади.

Корхонага борган кунимиз тасодифан кадрлар бўлимининг собиқ бошлиғи Бозор Муҳаммадиевни учратиб қолдик.

— Бобожоннинг тахмини тўғри чиқди, — деди у. — «Бунёдкор» барбод бўлди. Нон пишириш цехининг иморати эса «Кимошди» савдосида сотилган, деб эшитдим. Арзон-гаровга, албатта.

— Қандай қилиб?...

— Уч йил олдин Шуҳратжон Қосимов деган йигит корхонага раис бўлиб келган эди. Унинг иш билан, ишлаб чиқариш билан иши бўлмади. Ер солиғи, асосий воситалар солиғидан қарзни узиш учун, раис корхонанинг мулкини бир бошидан сотаверди. «Тико»ни сотди. Трансформатор ва транспорт воситаларини сотди. Ёниғи сақланадиган идишлар ҳам қолмади. Ҳатто ҳамомни ҳам пуллади, шоввоз.

Ачинарлиси, газ, электр энергияси узиб қўйилган кунлари ҳам «Бизда фалон тонна нон ишлаб чиқарилди» деган қалбаки маълумотлар қораланди. Бозорга чиқариб сотилган ун шу тарзда чиқим қилинди. «Сурхондарё дон маҳсулотлари» ишлаб чиқариш ҳиссадорлик уюшмаси раҳбарлари ана шу қинғир ишлардан хабардор бўлгач, хомашё — унни беришни тўхтатиб қўйди. Қосимовни бир эмас, икки марта ишдан бўшатиш ҳақида қарор қабул қилди. Аммо кимлардир унинг жонига аро кирди. Оқибатда эса 40 та қоракўз ишсиз қолдик. Ахир, яхши ишлаш учун чораю имкон топса бўларди-ку? Мана, «Шўрчи-нон»ни олиб кўринг...

Б. Муҳаммадиев айтган «Шўрчи-нон» ҳиссадорлик жамиятида ишлар ростдан ҳам чакки эмас. Алиқул Эргашев раис бўлиб келганда (1999 йил март ойида), бу ерда 52 нафар одам фақат нон пиширарди. Ҳозир ишчиларнинг сони 30 тага кўпайибди. Йигирма турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Қандолат маҳсулотлари, печенье, торт, пряник... Илгари шўрчиликлар тўй-тадбирларга пишириқларни Денов бозоридан олиб келишар экан. Энди бўлса улар тугул бошқа тумандагилар ҳам бу маҳсулотларни «Шўрчи-нон» цехларидан харид қилаяптилар. — Унни сотиш осон, шакарниям, — деди Алиқул Эргашев. — Бироқ ишлаб чиқаришни, одамларга иш топиб беришни ўйлаш керак. Қуриш ва яратиш зарур...

Ногоҳ «Биров қуради, биров... юради» деган гапни эсладик. Қурган — яратади. Кун ўтарига юрган одам қурилганларини ҳам йўқотади. Зора, кўнгилларида қуриш ва яратиш нияти бор одамлар «Бунёдкор»нинг занглаган қулфларини очсалар...

**О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

**● Associated Ppess агентлигининг хабар беришича, Боннда БМТ шафелигида ўтказилаётган конференцияда Афғонистонда ўтиш давридаги вақтинчалик муваққат ҳукумат тузиш борасидаги масала узил-кесил ҳал этилган. Маълум бўлишича, 40 нафар намояндадан иборат бўладиган айни орган мамлакатда доимий ҳукумат шаклланганга қадар Афғонистонда бошқарув ваколатига эга бўлади.**

**● NBC телекомпаниясининг хабарига кўра, АҚШ ўз ҳарбий амалиётлари натижасида «Толибон» ҳаракати ва «Ал-қоида» ташкилотининг жами 35 нафар етакчиларидан 6 нафарини йўқ қилган. Ушбу хабарда айтилишича, айни пайтда толиблар раҳбари ўз қуролли кучлари устидан ўрнатган назоратини йўқотган. Ва, у ўз жонини сақлаб қолиш мақсадида террорчилар раҳнамоси Усамо бин Лодиннинг АҚШ қўлига топширишга ҳам тайёр эканлигини маълум қилган.**

**● Рейтер агентлигининг аён қилишича, АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари кеча Қандаҳор аэропортига қарата зарбалар берган. Шимолий иттифоқ кучлари эса кеча Қандаҳорнинг шарқий қисмини ёриб киришга муваффақ бўлган. «Шимолчилар» генералларидан бири Исмоил Хоннинг билдиришича, ушбу ҳарбий амалиётлар ҳам муваффақиятли кечади.**

**● Жаҳон матбуоти саҳифаларида ёзилишича, айни пайтда АҚШ ҳарбийлари биринчи рақамли террорчи дея ном олган Усамо бин Лодин турган бункерни қамал қилишга тайёргарлик кўрмоқда.**

**● Бундан бир муддат олдин қўлга олинган Индонезиянинг собиқ президенти Сухартонинг ўғли Томми Сухарто мамлакат полиция ходимлари томонидан судга топширилди. Маълумки, у шу вақтгача қаллобликда айбланаётган эди. Шунингдек,мамлакат полиция мулозимлари Томми Сухартонинг Индонезия Олий суди судьяси қотили эканлигини ҳам айтишмоқда.**

**● Яқин Шарқдаги вазият куни кеча амалга оширилган қўпорувчиликдан сўнг яна кескинлашди. Ушбу теракт натижасида уч нафар Исроил фуқароси ҳалок бўлган. Мамлакат Бош вазири Ареэль Шарон CNN телекомпаниясига интервью берар экан, Исроил фаластинликлар томонидан минтақада тинчлик ўрнатилмас экан, ҳеч қачон музокаралар столига ўтирмаслигини маълум қилди.**

**● Кеча Франция ҳукумати мулозимлари мамлакат Қуролли кучлари сафига чақириқлар келаси йилда бутунлай тўхталишини маълум қилди.**

**● Куни кеча Озарбайжон махсус хизмат вакиллари мамлакат президенти Г. Алиевнинг ўғли Илҳом Алиевга суиқасд уюштиришга ҳаракат бўлганлигини маълум қилишди. Маълумки, айни пайтда И.Алиев мамлакат нефть компанияси раҳбарининг биринчи ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатади. Шунингдек, у мамлакат парламенти депутати ҳамдир.**

**«Интернет» хабарлари асосида тайёрланди.**

